

Дўзах ва дўзахийлар

Муаллиф: Али Хасан Али Абдулхамид.

Еру осмонларни яратган ва ошкору яширин ишлардан хабардор Зот - Аллохга хамдлар бўлсин. У инсон (Одам алайхис-салом)ни лойдан, жин (иблис)ни эса оловдан яратди. Иблисни жаннатидан кувгин килди ва киёмат кунига қадар халқларга фитна-синов бўлиши учун унга мухлат берди. Иблис аълайхиллаъна бандалар орасидан ўзига тегишли насиба олишга қасам ичди.

«(Аллох) айтди: **«Бас, улардан ким сенга эргашса, у холда, шак-шубҳасиз, жаханнам сизларга етарли жазо бўлур! Улардан кучинг етган кимсани овозинг билан кўзгат, уларнинг устига отлик ва пиёда (лашкарингни) торт, топган мол-давлат ва бола-чакаларида уларга шерик бўл (яъни, уларни харомдан мол-дунё ва бола-чака орттиришга унда), уларга (ёлгон) ваъдалар кил».** Дархақиқат, шайтон уларга факат алдов-ёлгон нарсаларнигина ваъда килур».¹

«(Иблис) айтди: **«Энди Сенинг кудратингга қасам-ки, албатта уларнинг хаммасини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги (айрим) покиза бандаларинггина (хак йўлдан озмай қолурлар)».** (Аллох) деди: **«Хакка (қасам). Факат хакни айтурманки, албатта Мен жаханнамни сен ва (одамлар) орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!».**²

Аллохга хамдлар бўлсинки, У бизларни шайтон ва унинг васвасасидан химоялаб қўйди ва иймон келтириб Роббиларига таваққул қилган зотларга уни ҳукмрон қилиб қўймади. У зотлар Аллохнинг паноҳида тинч-омон бўладилар, уларни ўз инояти билан ихота қилур ва модомики улар Аллохнинг хидоятида барқарор туриб Унинг мустаҳкам арқонини маҳкам тутсалар, уларни омон сақлағай.

Аллох бандалари орасидан танлаган, поклаган ҳамда шайтондан химоя қилган улуг пайгамбаримиз Мухаммадга салоту саломлар бўлсин. У зот айтадилар:

- Сизлардан хар бирингизга жинлардан бўлган хамроҳ бириктириб қўйилгандир!

- Ё Расулulloх сизга хамми?- дейилди.

- Менга хам. Лекин Аллох менга ёрдам берди ва у жин мусулмон бўлди. Мени факат яхшиликка ундайди,- дедилар.³

У кишига, саҳобаларга Роббимиз сўйганидек ва рози бўладиган доимий Аллохнинг салоти ва саломи бўлсин.

Аллох таъоло жаннат ва дўзахни яратиб: **«Хар бирингизни тўлдириш Мени зиммамдадир»** деб ваъда қилди. Иблисга (унга

¹ «Исро»- 63,64.

² «Сод»- 82,85.

³ Муслим ривояти.

Аллохнинг лаънати бўлсин) бандаларга синов ва имтихон бўлиши учун мухлат бериб кўйди...

«Огох бўлингизким, албатта шайтон хизби (бўлган кимсаларгина) зиён кўргувчилардир».¹

Одам болаларининг калбига йўл топиши ва уларнинг кон томирларида юришига имкон бериб кўйди. Унга бошка шайтонларни бўйсундириб берди. Улар иблиснинг буйруги билан иш тутадилар.

Иёз ибн Химор разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бир куни хутбаларида шундай дедилар:

- Огох бўлинг, Роббим менга бугун билдирганларидан сизлар билмайдиган нарсаларни ўргатишимни буюрди. «Мен ҳамма бандаларимни ҳақ динга мойил қилиб яратдим, шайтонлар эса уларни динларидан чиқариб олдилар ҳамда Мен ҳалол қилиб берган нарсаларни уларга ҳаром қилишди ва Мен бирон ҳужжат туширмаган нарсаларни Менга шерик қилишга буюришди»... Дўзах аҳли беш турли бўлади:

1) На оилага ва на мол-дунёга кизиқиши бўлмаган, (ёмонлиқдан тўсадиган) ақли ҳам йўқ бўлган нотовон-заиф хизматкорларингиз.

2) Арзимас бўлса ҳам бирон манфаат кўрса, албатта хиёнат қиладиган (хиёнатдан тап тортмайдиган) хоин кимса.

3) Эртаю кеч сени аҳли-оиланг хусусида ҳам мол-давлатинг борасида ҳам алдаш пайида юрадиган кимса.

4) Шундан сўнг ё бахиллик ё ёлгон ҳақида ҳамда

5) Огзи шалок безбет кимса ҳақида ҳам айтиб ўтдилар».²

«Унинг (кофирнинг) яқини-хамроҳи (бўлган, унинг қилиб ўтган гуноҳларини ёзиб-гувоҳлик бергувчи фаришта) деди: «Мана бу (номаи аъмол) менинг ҳузуримда ҳозир у нозир бўлган нарсадир». (Шундан кейин дўзах ходимларидан икки фариштага айтилур): **«Барча (ҳаққа қаршилиқ қилгувчи) қайсар, яхшилиқни манъ қилгувчи, зўравон ва (Аллохнинг динига шак келтирувчи) кофир-кўрнамакни жаҳаннамга ташланглар!». (қай) бир кимса Аллох билан бирга бошка бир «илох» қилиб олса (яъни Ёлғиз Аллохга бирон нарса ё кимсани шерик қилиб олса), бас, уни каттик азобга ташланглар!».** Унинг яқини (бўлган шайтон): **«Парвардигоро, уни мен тугёнга солганим йўқ, лекин унинг ўзи (ҳақ йўлдан) йирок-залолатда бўлди», деди.** (Аллох кофир ва унинг шайтонига) айтди: **«Менинг даргоҳимда талашиб-тортишманглар, аниқки, Мен илгари сизларга (кофир бўлганларингиз сабабли Охиратда азобга гирифтор бўлишларингиз тўғрисида) ваъда қилганман. Менинг даргоҳимда (ваъда қилинган) сўз ўзгартирилмас ва Мен бандаларга зулм қилгувчи ҳам эмасдирман».** У кунда Биз жаҳаннамга: **«Тўлиб битдингми?»**, дермиз, у эса: **«Яна кўшимча борми?»**, дер».³

¹ «Мужодала»- 19.

² Муслим ривояти.

³ «Коф»- 23,30.

Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «У (жаханнам) яна кўшишни талаб килаверади хатто Жаббор Зот унга кадамини кўяди ва жаханнам бас, етар дейди».¹

«Дўзах йўлдан озган кимсаларга кўрсатиб кўйилди».²

Абдуллох ибн Масъуд разияллоху анхудан: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «ўша кунда жаханнам олиб келинади ва уни етмиш минг тизгини бўлади хар бир тизгиндан етмиш минг фаришта тортиб келади».³

Абу Хурайра разияллоху анхудан: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Одамлар ёкаётган бу ўтларингиз дўзах хароратининг етмишдан бир бўлагидир ва хар бир бўлаги сизларнинг ўтларингиз хароратичадир».

- Аллохга касам-ки, ўша бир бўлак хам етарди, Ё Расулulloх, дейилди.

- Дўзах ўти ўша холатига тўксон тўккиз баробар кучайтирилгандир ва хар бири ўшанча хароратдадир,- дедилар.⁴

Абу Хурайра разияллоху анхудан: «Биз Расулulloх саллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларида эдик, тўсатдан бир нарсанинг тушган товушини эшитдилар. Шунда Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам:

- Биласизларми, бу нима? - дедилар. Бизлар:

- Аллох ва расули билгувчирок,- дедик. Расулulloх:

- Бу етмиш йил олдин дўзахга отилган тош эди. У хозиргача дўзахга тушиб борарди энди тубига етди,- дедилар.⁵

Абу Хурайра разияллоху анхудан: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

- Аллох жаннат ва дўзахни яратиб бўлгач, Жибрил алайхис-саломни жаннатга юборди ва жаннатимга боккин ва у ерда ахли жаннатларга хозирлаб кўйган нематларимни кўргин, деди. Жибрил бордилар ва жаннат ва ундаги мўминларга хозирлаб кўйилган неъматларни кўрдилар. Кейин Аллохнинг хузурига кайтиб келиб: Иззатингга касам-ки уни бирон жон эшитса, албатта унга киради (яъни киришга харакат килади), дедилар. Аллох жаннатга буюрди у макорихлар (кийинчиликлар) билан ўралди ва Жибрилга: кайтиб бориб, кўргин, деди. Жибрил бориб, келдилар ва: Иззатингга касам-ки унга бирон банданг киролмайди, деб кўркаман, дедилар. Аллох Жибрилга: Дўзахга бориб, карагин ва у ерда ахли дўзахларга тайёрлаб кўйган азобларимни кўргин, деди. Жибрил бориб кўрдиларки дўзах бири бирининг устига мингашиб ётарди. Аллохнинг хузурига кайтиб: Иззатингга касам-ки уни бирон банданг эшитса унга кирмасликка харакат килади, дедилар. Аллох дўзахга буюрди у шахватлар билан ўралди, кейин Жибрилга: Бориб кўргин, деди. Жибрил бориб, кўриб келдилар ва: Иззатингга

¹ Муслим ривояти.

² «Шуаро»- 91.

³ Муслим ривояти.

⁴ Муслим ривояти.

⁵ Муслим ривояти.

касам-ки ундан бирон банданг кутулолмайди ва унга кириб кетади, деб кўркаман, дедилар.¹

Куръони Карим дўзах дахшатлари ва азобларини бандаларга кўп эслатади, токи улар дўзахга олиб борадиган хар кандай ишлардан ўзларини эҳтиёт килсинлар.

Хасан Басрий раҳимахуллох айтади: Умар разияллоху анху: «Дўзахни кўп эсланглар. Чунки унинг харорати жуда каттик, каъри жуда чуқур ва чўкмори темирдандир»- дер эрдилар.

Хасан Басрий раҳимахуллох деди: Аллохга касам-ки кай бир банда дўзахга аник ишонса, кенг дунё унга тор бўлиб қолади. Мунофик — дўзах гарчи мана бу деворнинг ортида турган бўлса ҳам, то унга кирмагунича уни тасдиқламайди.²

«Агар золим-кофир кимсалар учун ердаги бор нарса ва у билан бирга яна ўшанинг мислича нарса бўлса, албатта улар киёмат кундаги азобнинг ёмонлигидан, ўша (кўлларидаги бор нарсаларини) тўлов килиб бериб юборган бўлур эдилар. (Чунки у Кунда) уларга Аллох томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар – азоблар кўринди. Уларга ўзлари касб килган ёмонликлари ошкор бўлди ва уларни ўзлари (дунёдалик чоғларида) масхара килиб ўтган (азоб) ўраб олди».³

Хеч бир инсон - у хар канча фасохат ва балогат сохиби бўмасин, - золим-кофирларнинг ўша кундаги фожиаларини куръон тасвирлаб бергани каби тасвирлаб бера олмайди. **«Уларга Аллох томонидан улар ўйлаб ҳам кўрмаган нарсалар кўринди».** Уларга кўринган нарсалар нима бўлиши мумкин? қайта тирилишми? Хисобми? Мезонми? Жаннатми? Дўзахми? Бу каби саволларни канча кўпайтирсангиз, шунча кўркинчли ва дахшатли бўлиб, хакикат ёлғиз Аллохнинг ўзигагина аён бўлган гайблигича қолаверади. Кофирлар ўйлаб ҳам кўрмаган, кўнгилларига келмаган ва аклларига ҳам сигдира олмайдиган нарсалар-азоблар уларга рўбарў бўлди.

«Йўк, улар (куръон оятларига бокмайдилар, чунки улар киёмат) соатини ёлгон деганлар. Биз эса у соатни ёлгон деган кимсалар учун дўзах ўтини тайёрлаб кўйгандирмиз. (Дўзах) уларни узок жойдан кўрган вақтидаёк унинг хайкирик ва бўкиригини эшитурлар. қачон улар кишанланган холларида (дўзахдан) тор бир жойга ташланганларида ўша жойда (ўзларига) ўлим тилаб колурлар. (Шунда уларга): «Сизлар бугун бир ўлимни эмас, кўп ўлимларни тиланглар (чунки сизлар бутун умрларингизни куфру исёнда ўтказганларингиз учун кўпдан-кўп ўлим-халокатларга дучор бўлурсиз», дейилур)».⁴

«(Бас, Аллох жаханнам кўрикчиларига дер): «Уни ушлаб, кишанланглар!. Сўнгра дўзахга ташланглар!. Сўнгра узунлиги

¹ Абу Довуд ва Термизий ривояти.

² Имом Ахмаднинг «Зухд» китобидан.

³ «Зумар»- 47,48.

⁴ «Фурқон»- 11,14.

етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!». Чунки у (*хаёти дунёдалик пайтида*) **Улуг Аллохга иймон келтирмас эди. Ва мискин-бечорага таом беришга** (*ўзини хам, ўзгаларни хам*) **таргиб килмас эди. Бас, бугун, бу ерда унинг учун бирон дўст-мададкор йўқдир!. Ва бирон таом хам йўқдир!. Факат йирингдан бўлган** (*бир «таом» борки*). **Уни факат** (*йўлдан*) **адашган** (*кофир*) **ларгина ерлар!».**¹

«Албатта Биз кофирлар учун занжиру кишанлар ва (*дўзах*) **алангасини тайёрлаб кўйгандирмиз!».**²

Абдуллох ибн Аббос разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Кишини дўзах томон судрайдилар ва дўзах йироклашиб гуж бўлиб олади. Шунда Рахмон таъоло: Сенга нима бўлди, дейди. Дўзах эса: Бу банданг мендан панох тиларди, дейди. Аллох: Бандамни кўйиб юборинглар, дейди. Киши яна дўзахга судралади у: Эй Роббим Сендан бу гумонда бўлмагандим, дейди. Аллох: кандай гумонда эдинг, дейди. Банда: Мени Рахматинг ўрашини умид килар эдим, дейди. Аллох: Бандамни кўйиб юборинглар, дейди. Киши яна дўзахга судралади шунда дўзах худди хачир арпани кўриб товуш чикаргани каби ўкиради ва чукур хўрсинади. Буни эшитган одам кўркмай колмайди».³

«Қачон улар (*жаханнамга*) **ташланганларида кайнаб турган** (*жаханнамнинг худди эшак ханграганидек*) **бир ўкирик-фарёдини эшитурлар. У газабдан бўлиниб-парчаланиб кетгудек бўлур».**⁴ Яъни кофир кимсаларга нисбатан газабининг каттиклиги сабабли у ёрилиб, тилка-пора бўлиб кетгудек бўлади.

«Қофир бўлган кимсалар учун эса жаханнам ўти бордирки, на уларга (*иккинчи бор ўлиш*) **ҳукм килиниб, ўла олурлар ва на улардан** (*жаханнам*) **азоби енгиллатилур. Биз хар бир кофирни мана шундай жазолармиз. Улар у жойда: «Парвардигоро, бизларни** (*бу азобдан*) **чикаргин, бизлар килиб ўтган амалларимиздан бошка яхши** (*амалларни*) **килурмиз», деб дод-вой килурлар. Ахир Биз сизларга эслатма оладиган киши** (*эслатма*) **олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огохлантиргувчи хам келган эди-ку! Бас энди азобларингизни тотаверинглар! Энди золим кимсалар учун бирон ёрдамчи бўлмас!».**⁵

«Бизнинг оятларимизни инкор килган кимсаларни албатта дўзахга киритажакмиз. қачонки терилари кўйиб битиши билан хакикий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошка териларни алмаштирамиз».⁶

Хасан Басрий айтади: *Уларнинг терилари бир кунда етмиш маротаба алмаштирилади.*

¹ «Ал-Хакка»- 31,37.

² «Инсон»- 4.

³ Ибн Касир бу хадис санадини сахих деган.

⁴ «Мулк»-7,8.

⁵ «Фотир»- 36,37.

⁶ «Нисо»- 56.

Абу Хурайра разияллоху анхудан: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: **«Кофирнинг икки елкаси оралиги тез юрадиган отлик учун уч кунлик йўлдир»**.¹

«Кофирнинг озик тиши «Ухуд» тогичалик бўлади ва терисининг калинлиги уч кунлик йўлдир».²

«Кофирнинг жаханнамдаги ўтирадиган жойи Макка билан Мадина оралигичадир».³

Кофирнинг танаси бунчалик улкан килинишидан мақсад кўпроқ азоб тотиши учун бўлса, ажаб эмас. Чунки азоб баданни камраб олади, жасад улканлашгани сари, азоб ҳам кучайиб боради. Охиратда кофир-золимларнинг азоблари каттик бўлади. Хатто кофир юзи билан ўзини тўсмокчи бўлади.

«Ахир киёмат Кунда ёмон азобдан ўз юзи билан сакланадиган кимса (у кундаги хар қандай азобдан тинч-хотиржам киши билан баробар бўлурми). (У кунда) золим-кофирларга: «ўзингиз касб килиб ўтган нарсани (яъни динсизлик мевасини) тотиб кўринглар!»- дейилди».⁴

Инсон одатда юзини кўли ёки бирон аъзоси билан тўсади. Банда дўзах азобига дучор бўлган вақтда — Аллох барчамизни бундай кундан сакласин — саросима ва изтиробнинг зўридан дўзах азобини юзи билан тўсади. Гўё у азобни тўсиб қоладигандек юзини дўзахга тутуди.

Кофирнинг хорлиги бунчалик каттик, унинг азоблари бунчалар аламли! Инсон дўзах ўтини юзи билан тўсадиган бу огир кунда кофирларга истехзо-итоб охангида **«ўзингиз касб килиб ўтган нарсаларингиз (яъни динсизлик мевасини) тотиб кўринглар»**, деб айтилур. Бундай каттик азобларга инсон боласи токат кила олмайди. Инсон дўзах ўти у ёқда турсин, дунё ўтининг бир дона чўгини билмасдан ушлаб олса, бир-икки кун кўлининг огригидан нолиб юради.

Баъзилар ҳақдан юз ўгириб бепарво юрадилар. Гўё жаннат уларга тўлик қафолатлаб берилган ва жаханнам устидан ўтмаслигига аниқ ишончи бордек. Биродарлар! Билинглари Аллохнинг «макри»дан факат зиён кўргувчи қавмгина хотиржам бўлади.

Утба ибн Газвон разияллоху анху хутба килиб деди: «Бизларга зикр килинишича, (дўзахга) бир тошни ташлаб юборилади ва у етмиш йилда ҳам унинг қаърига етолмайди, Аллохга касам-ки ўша дўзах инсонлар билан тўлдирилади, бундан ажаблანаяпсизларми?».⁵

«Мана шу икки ганим (яъни мўминлар билан кофирлар) Парвардигорлари (нинг ҳақ дини) хусусида талашдилар (яъни мўминлар Аллохнинг ҳақ дини бўлмиш Исломнинг голиб бўлишини истадилар, кофирлар эса бу динни йўқ қилмоқчи бўлдилар). Бас, кофир бўлган кимсалар учун ўтдан бўлган кийимлар бичилди, (энди) уларнинг бошларидан қайнок сув куйилиб; У (сув) билан

¹ Бухорий ривояти.

² Муслим ривояти.

³ Термизий ривояти.

⁴ «Зумар» - 24.

⁵ Термизий ривояти.

уларнинг ичларидаги нарсалар ҳам, терилари ҳам эритиб юборилур».¹

«Ва (у жойда) кайнок сув билан сугорилиб, у (сув) ичакларини бўлак-бўлак килиб ташлаган».²

«Улар у жойда (жаханнам ўтидан ором берадиган) бирон салкинни ва бирон ичимликни топмаслар!. Факат кайнок сув ва йирингнигина (тотурлар)!».³

«кайнаб турган булоқдан сугорилур!».⁴

Абдуллох ибн Аббос, Мужохид ва Хасан: **«кайнаб турган - яъни ниҳоятда кайнок»**, деганлар.

«Унинг (яъни, ҳар бир кофир бўлган кимсанинг) олдида жаханнам бордир. (Жаханнамда) унга йирингли сувдан берилганда, уни ютмоқчи бўлади-ю, (томогидан) ўтказолмайди».⁵

Абу Хурайра разияллоху анҳудан: Расулulloх саллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Уларнинг бошларидан кайнок сув куйилур ва у (сув) уларни тешиб ўтур. Хатто у ичларига тўлиб ундаги нарсаларни шилиб тушади ва оёқларидан тешиб чиқади - мана шу - (оятда келган) эритиб юборишлиқдир, - сўнгра яна аввалги холига қайтарилурлар».⁶

Аммо уларнинг емишлари эса «зариъ» ва «заккум» дир.

«Улар учун бирон таом бўлмас, (уларнинг емишлари) факат (еган кимсани) семиртирмайдиган ва очликдан халос қилмайдиган зариъдан (захарли ва бадбўй тикансимон ўсимлик) бўлур!».⁷

«Албатта (дўзахнинг ўртасида ўсадиган) Заккум дарахти гунохкорларнинг таомидир. (У таом) мисоли кайнок сувнинг кайнаши каби коринларида қайнайидиган эритилган (догланган) ёғдир!».⁸

«Ҳақиқатан Биз уни (яъни заккум дарахтини) золим кимсалар учун фитна-алдов килиб қўйдик. Дарҳақиқат у дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир. Унинг бутоклари (даги мевалари хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшайди. Бас улар (яъни дўзахийлар) албатта ундан еб, коринларини тўлдиргувчидирлар».⁹

катода зариъ хақида айтади: «Энг ёмон, энг бадбўй ҳамда жирканчдир».

«Агар заккумдан бир томчиси бу дунёга томиб кетса, дунё ахли хаётини бузиб юборарди».¹⁰

Энди аламли азоблардан ташқари емиши заккум бўлган кишининг холи нима кечади? Жаханнам посбони (фаришта) Молик уларга:

¹ «Хаж»- 19,20.

² «Мухаммад»- 15.

³ «Набаъ»- 24,25.

⁴ «Гошия» - 5.

⁵ «Иброҳим»- 16,17.

⁶ Ахмад ва Термизий ривояти.

⁷ «Гошия»- 6,7.

⁸ «Духон»- 44,46.

⁹ «Вас-Сафот»- 63,66.

¹⁰ Термизий ривояти.

«Албатта сизлар (мана шу азобда мангу) тургувчидирсизлар», деган вақтида жаханнам ахлининг бутун умиди узилади. Факатгина жаханнамдан чиқиш умидлари эмас, балки бир кунга бўлса ҳам азобни енгиллатиш хусусидаги умидлари ҳам узилади. Сўнг ўзларига ўлим талаб қиладилар. Бирок нолалари беҳуда кетади. Охир-окибат йиглаб ўқиришга ўтадилар ва бир-бирларини маломатлашга тушадилар. Азоб эса тобора зиёда бўлиб бораверади.

Ибн Аббос разияллоху анху айтади: *«Молик уларнинг савол (сўровлари)га минг йилдан кейин жавоб беради».*

Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам дедилар: *«Ахли дўзахлар шундай йиглайдиларки, агар уларнинг кўз ёшларига кема туширилса, албатта оқади (сузади) ва улар кўз ёш ўрнига кон йиглайдилар».*¹

ДЎЗАХГА ОЛИБ БОРУВЧИ АМАЛЛАР

Куйида инсонни дўзахга бошлайдиган баъзи амалларни эслатиб ўтаман, шояд улардан узоқ бўлсак:

1. Абу Хурайра разияллоху анхудан: Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам дедилар: *«Ахли дўзахдан икки тоифаси борки мен уларни кўрмадим:*

1) кўлларида сигирнинг думига ўхшаган камчилари бўлиб, у билан инсонларни урадиган кишилар.

2) Кийим кийган ялангоч, ўзи бузукликка моил ва бошқаларни ундовчи, бошлари туянинг кийшайиб турган ўркачига ўхшаган аёллар. Улар жаннатга кира олмайдилар ва жаннатнинг хидини ҳам топмаслар. Унинг хиди фалон фалон масофадан келиб туради».

Имом Нававий раҳимахуллох айтади: *«Хадисда зикр қилинган «камчи» эгалари - миршаблардир. Аммо «кийим кийган ялангоч»лар - Чиройини кўрсатиш учун баданининг у ер бу ерини очиб юрадиган ҳамда бадан кўриниб турадиган юпка кийимларни киядиган аёллар.. «ўзи бузукликка моил ва бошқаларни ундовчи» - Аллох таъолонинг тоатидан тойилган, ифбатсиз ва бошқаларга ҳам ўша бузукликни ўргатадиган аёллар.. «Бошлари туянинг ўркачи каби» - Сочлари ўримини бошларининг ўртасига туянинг ўркачидек катта қилиб ўраб оладиган аёллар..*

Баъзи уламолар: Эркакларга тик боқадиган, улардан кўзларини олиб кочмайдиган ҳамда бошларини (хаё билан) куйи солиб юрмайдиган аёллар, деб таъриф қилганлар..

Эй мухтарама, муслима опа-сингиллар ўзингиз ўйлаб кўринг!

Ахир қанча аёллар юкорида зикри ўтган ишларга гирифтор бўлиб қолганлар. Эркакларнинг эътиборини жалб қиладиган юпка либосларни кийиб, атрлар сепаиб хушбўйланиб олган ҳамда ноз-ишва билан қадам ташлаб, ўзи фитналаниб, бошқаларни ҳам фитнага солиб бозорларга чиқадиган, эркаклар билан юмшок-майин товушда гаплашадиган ва

¹ Хоқим ва Заҳабий ривояти.

² Муслим ривояти.

уларнинг калбларини ўзига моил киладиган, хуллас ўзининг аёллик хурматини билмайдиган аёллар йўқми?! Ха, Аллохга касам-ки бундайлар жуда кўп.. Синглим, Аллохнинг газаби ва лаънатида юрадиган ва Аллохнинг мўмин бандаларига озор берадиган бундай бадбахт аёллардан бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг! Ўзингиз эҳтиёт бўлганингиз каби бошқаларни ҳам бу бузук йўлга юришдан огохлантиринг. Бу мафтункор ва бузук аёллар азобу укубатга канчалик лоикдирлар-а?! Сиз эса Аллохнинг китоби ва расулининг суннатини маҳкам ушласангиз ажру савобга ҳақликдирсиз, айникса яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтарсангиз қандай ҳам яхши-я. Аллох Роббил оламин сизга ўзининг баракотини ёғдирсин...

2. Имрон ибн Хусайн разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Дўзахга қарадим ва унинг ахлининг кўпчилиги аёллар эканини кўрдим».¹

Имом Куртубий раҳимахуллох айтади: *«Жаннат ахлининг озчилиги аёллар бўлади чунки уларга ҳаво голиб келганлиги ва дунёнинг ўткинчи зийнатига берилиш ҳамда ақллариининг ноқислиги ва Охиратдан юз ўгириб кетишлари боисдир».*

Абдуллох ибн Аббос разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Менга дўзах кўрсатилди, унинг ахллариининг кўпчилиги аёллар экан, нима учун эй расулуллох? Деб сўрадилар. Қуфрлари сабабли, дедилар. Аллохга кофир бўладиларми деб сўрашганида. Эрларига кофир (кўрнамак) бўладилар ва (килинган) яхшиликка (кофир) нонкўр бўладилар. Улардан бирига агар бир умр яхшилик қилсангу, кейин у сендан озгина ёмонлик кўрса: Сендан харгиз яхшилик кўрмадим,- дейди».²

Муслималар мазкур аёллар каторига кириб қолишдан эҳтиёт бўлмоги лозим.

3. Абу Хурайра разияллоху анху жаннат билан дўзахнинг тортишуви ҳақидаги ҳадисда айтади: «Дўзах айтди: Мен устунман, чунки мутақаббир ва золимлар мендадир».³

Хориса ибн Ваҳб разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизларга дўзах ахллариининг хабарини берайми?

- Ха, дейишди. Айтдиларки:

- кўпол, мутақаббир ва ўзини катта олувчилар.

- Хар бир мутақаббир, пасткаш ва бахиллар».⁴

кўпол - тошбагир.. Тақаббур - қалбида қибри бор..

Мўмин аввало, Аллохнинг мўмин бандаларига озор беришдан эҳтиёт бўлмоги, аксинча ўз биродарларига тавозели ва муҳаббатли бўлмоги лозимдир.

¹ Бухорий ривояти.

² Бухорий ривояти.

³ Муслим ривояти.

⁴ Муслим ривояти.

Иккинчидан: Мол-дунёни тўплаб, босиб кўядиган, яхшиликларга сарфламайдиган ва ўзининг мухтож биродарларига садака килмайдиган бахил бўлишдан эҳтиёт бўлмоги лозим.

Учинчидан: Кибрдан эҳтиёт бўлмоги лозим. Хакка унамаслик ва инсонларни камситиш ва уларнинг хакларига тажовуз килиш - кибрдир.

4. Абу Зар разияллоху анхудан: Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам дедилар: «Уч тоифа кишилар билан киёмат кунда Аллох гаплашмайди ва уларга (рахмат назари билан) карамайди, уларни покламайди ва уларга аламли азоб бордир».

Бу сўзни Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам уч маротаба такрорладилар. Абу Зар: «Бундай зиёнкорлар ким, Ё Расулulloх?- деб сўрадилар.

- Кийимини (тўпикдан пастга) (бунга устки кийимнинг этаги ва шим ва лозимнинг почаси киради ИНТ) осилтириб юрадиганлар, миннат килувчилар ва молини ёлгон касам билан ўтқизувчилар.

Бошка бир ривоятда:

- Хеч нарсани миннатсиз бермайдиган миннатчи, молини ёлгон касам билан сотувчи ва изори (лўнгиси)ни (тўпикдан пастга) осилтириб юрадиган кимсалар.¹

Абу Хурайра разияллоху анху куйидаги лафз билан ривоят килган: «Чўлда ортикча суви бўла туриб, уни йўловчиларга бермайдиган киши, асрдан кейин молининг аслида ундай бўлмаса-да фалон пулга олганман деб ва гапига ишонтириш учун Аллохнинг номи билан касам ичиб бир кишига молини сотган киши ҳамда бир амирга мол-дунё илинжида байъат бериб, агар у бирон нарса бериб турса, ахдига вафо киладиган, бермай кўйса, ахдини бузадиган киши».²

Расулulloх саллalloху алайхи ва саллам бу хадисда ахли дўзахлардан тўрт тоифасини зикр килдилар:

Биринчи: Кийимини тўпигидан пастга тушириб, кибр билан уни судраб юрадиган кишилар.

Иккинчи: Миннатчилар: Мабодо бировга бир нарса берса, уни албатта миннат киладиган ва килган яхшилигини кўп эслатадиган, гохида яхшиликни ўрнини билмайдиган ва уни ўз эгалари бўлмиш мухтожларга бермайдиган кишилар. Масалан: Ортикча суви бўлатуриб уни чўлдаги мухтожларга бермайдиган киши.

Учинчи: Амирга мол-дунё илинжида байъат берган, агар мақсади хосил бўлса ахдига вафо килиб, мақсади хосил бўлмай колса, ахдини бузадиган кишилар.

Тўртинчи: Молини ёлгон касам билан сотадиганлар. Бундайлар бугун кўп учрайди: Улар молининг яхшилигига ёлгон касам ичади ёки ўзи уни фалончадан олганига касам ичади. Касами ҳам ёлгон бўлади. Хуллас молини алдаб ўтқизиш учун хар хил йўллар билан касам ичади ва барча ичган касами ёлгон бўлади.

¹ Муслим ривояти.

² Муслим ривояти.

Азиз биродар, барча ишларингизда, олди-сотдиларингизда халол ризк топишга, Улуг Роббингизнинг газабига дучор киладиган ишлардан йирок бўлишга интилинг. Сиз энг енгил азобни ҳам кўтара олмайсиз ва Аллохнинг раҳматига эришишга канчалар мухтожсиз, шояд шунда зафар топгувчилардан бўлсангиз.

Анас ибн Молик разияллоху анхудан: Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

- Дўзах ахлидан бўлган, дунёда хисобсиз ноз-неъматлар берилган киши олиб келиниб, дўзахга бир ботириб олинади-да, ундан:

- Эй одам боласи (дунёда) бирон яхшилик кўрганмисан? Сенга дунёда бирон неъмат берилганми?- деб сўралади. У:

- Аллохга касам-ки йўк, эй Роббим,- дейди. Кейин жаннат ахлидан бўлган, дунёда турли машаккатларни бошидан ўтказган киши олиб келиниб, уни бир марта жаннатга киргизиб чиқарилади-да сўнгра ундан:

- Эй одам боласи (дунёда) бирон бир машаккат кўрганмисан? Бошингга бирон бир кийинчилик тушганми?- деб сўралади. У:

- Йўк, Аллохга касам-ки Эй Роббим, харгиз машаккат кўрмадим ва бошимга бирон кийинчилик ҳам тушмади,- дейди».¹

Парвардигоро, жаханнам азобидан Сенинг номинг билан панох тилаймиз ва кабр азобидан Сенинг номинг билан панох тилаймиз ва Масих Дажжол фитнасидан Сенинг номинг билан панох тилаймиз ҳамда тириклик ва ўлим фитнасидан Сенинг номинг билан панох тилаймиз!

Парвардигоро, бизни, ота-оналаримизни ҳамда барча биродарларимизни дўзахдан ўзинг саклагин. Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, Охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин!

Парвардигоро, бизни бандаларингни қайта тирилтирадиган кунингдаги азобингдан асрагин!

Парвардигоро, бизни бандалар қайта тириладиган ва хузурингда жамланадиган кунда халқлар олдида шарманда қилмагин ва номаи аъмолимизни ўнг тарафдан бергин!

Парвардигоро, бизни, ота-оналаримизни ва барча мусулмонларни ўз магфиратингга олгин! Омийн!

¹ Муслим ривояти.